

## 5-МАВЗУ



# КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБГА МУХОЛИФ ҒОЯЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ 2-машғулот

## Режа:

5. С.Сисмондининг иқтисодий қарашлари, унинг майда ишлаб чиқариш назарияси
6. П.Ж.Прудоннинг иқтисодий концепцияси.
7. К.Родбертуснинг иқтисодий ғоялари



## 5. С.Сисмондининг иқтисодий қарашлари, унинг майда ишлаб чиқариш назарияси

Жан Шарль Леонарди Симонд Леонард де Сисмонди (1773-1842) Швейцарияда туғилган, француз классик сиёсий иқтисодини ниҳоясига етказувчи ва айти вақтда майда сиёсий иқтисоднинг асосчиларидан биридир. У протестант пастор оиласида туғилиб вояга етди. Протестантлар коллегиясини битириб чиқди, Женева университетиде ўқиди. Сиёсат билан унчалик кўп вақт шуғуллангани йўқ, Франция маънавий ва сиёсий фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

С.Сисмонди ғояларининг шаклланиши,  
саноат инқилоби даври билан,  
шунингдек майда ишлаб  
чиқарувчиларнинг иқтисодий  
кучсизланиши билан боғлиқ бўлиб, бу  
эса ўз навбатида **капитализмнинг**  
**феодализм** устидан, **йирик**  
**машиналашган ишлаб чиқаришнинг**  
**майда ишлаб чиқариш устидан**  
ғалабасини англатар эди.

- С.Сисмонди майда ишлаб чиқариш позицияларида туриб, капитализмни танқид қилиб, майда товар ишлаб чиқаришга қайтишни орзу қилди.
- Унинг қарашлари ривожда икки босқич кўзга ташланади. Аввал бошда С.Сисмонди А.Смит таълимотининг, классик сиёсий иқтисоднинг тарафдори бўлиб чиқди. У ўзининг дастлабки асарларидан бири - **«Савдо бойлиги тўғрисида...»** китобида (1803 й.) sanoat инқилобининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва имкониятларини юксак баҳолади.

# С.Сисмонди методологияси

1. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни субъектив-идеалистик талқин этиш;
2. Илмий абстракция усулининг йўқлиги;
3. Тарихдан ташқари ёндашув;
4. Айирбошлаш концепцияси.

- Майда буржуа назариётчиси бўлган С.Сисмонди иқтисодий қонунларнинг объектив характерини тан олмади.
- С.Сисмонди капитализмни антагонистик жамият деб билди. У капитализмнинг ўзига хос хусусиятини - бойликнинг оз сонли кишилар қўлида тўпланиши ва кўпчилик меҳнаткаш аҳолининг чор-ночор кун кечиришини, жамият билан хусусий соҳибкорнинг манфаатлари бир-бирига мос эмаслигини, қишлоқ хўжалигининг савдодан ва саноатдан орқада қолаётганини кўрсатди.

Миллий даромад ва капитал С.Сисмондининг иқтисодий қарашлари тизимида етакчи муаммодир. У ўзининг «**Сиёсий иқтисоднинг янги ибтидолари**» асарининг дастлабки уч бобини айна шу муаммога бағишлайди. А.Смитдан кейин С.Сисмонди ҳам даромадларнинг уч турини: фойда, рента ва иш ҳақини алоҳида ажратиб кўрсатади, дастлабки икки турни умумлаштириб, устама қиймат тушунчасидан фойдаланади, уларни ички маҳсулотдан чегирма деб ҳисоблайди.



С.Сисмонди иқтисодий инқирозни даромадлар ўртасидаги номувофиқлик деб тушунади, айрим олимлар чинакам илмий назария капитализм шароитида ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги номувофиқликни тан олади.



## 6. П.Ж.Прудоннинг иқтисодий концепцияси

Пьер Жозеф Прудон (1809-1865) - француз публисти, майда ишлаб чиқариш назариётчиси, камбағал касиб оиласида туғилган. Моддий жиҳатдан ночорлиги сабабли коллеждаги ўқишни тугатмаган, шерик ҳамкорининг маблағи ҳисобига кичик бир босмахонани ишлатиб, зўр бериб ўз маълумотини ошириш билан шуғулланган. Илмуфанни ўрганишни аввало муҳтожликдан қутулиш усули деб билган.

- 1838 йилда П.Прудон Безансон академияси томонидан кам таъминланган ёш олимларга ажратилган уч йиллик стипендияни олиб Парижга кўчиб ўтди. Парижда у Ж.Б.Сей, С.Сисмонди, Т.Малтус, К.Сен-Симон, Ш.Фурье ва бошқа иқтисодчи олимлар асарлари билан яқиндан танишди.
- 1840 йилда П.Прудоннинг «**Мулкчилик нима?**» номли машҳур асари эълон қилинди. Ушбу асарда капитализмни танқид бош мавзу бўлсада, ҳали олимнинг амалий дастури баён қилинмаган эди.

- 1846 йилда П.Прудоннинг «**Иқтисодий зиддиятлар тизими ёки қашшоқлик фалсафаси**» номли яна бир асари эълон қилинди. Асарда олим капитализмни ислоҳ қилишнинг амалий дастурини ишлаб чиқишга, сиёсий курашнинг беҳудалигини асослашга уринди.

- 1848 йилда нашрдан чиққан «**Ижтимоий масалаларнинг ҳал этилиши**» номли янги асарда олим ҳар қандай инқилобий чиқишларни кескин қоралайди.
- Халқ банклари концепциясини эълон қилиб халқни ижтимоий ислоҳотларга чорлайди. П.Прудон сиёсий иқтисодни «ақл-заковатнинг абадий қонунлари» тўғрисидаги фан деб билади.

П.Прудон ўзининг майда ишлаб чиқариш манфаатларидан келиб чиққан ислохотчилик концепциясини майдонга ташлар экан, жуда кўп масалалар хусусидаги фикрларни баён этади. Меҳнат тақсимоти, товарнинг хусусияти, иш ҳақи, мулкчилик, даромад ва такрор ишлаб чиқариш кабиларни илмий изоҳлашга ҳаракат қилади.

Меҳнат тақсимоти бир томондан бойликнинг кўпайишига имкон берса, иккинчи томондан қашшоқликка, камбағалликка олиб боради. П.Прудоннинг мулоҳазаларига қараганда, меҳнат тақсимотининг наф келтирадиган хусусиятларини сақлаб қолиш ва зарарли хусусиятларини тугатиш керак.

П.Прудон ёлланма ишчини эксплуатация қилиш механизмини тушуна олмайди. У капитал билан маҳсулотни айнан бир нарса деб талқин этиб, бутун капиталнинг ҳаракатини унинг процент келтирадиган қисми ҳаракатидан иборат деб талқин этади.



Прудон асосий иқтисодий зиддиятларни «қиймат»нинг ички зиддиятларидан: истеъмол ва айирбошлаш қиймати ғояларидан иборат деб билади. «Белгиланган ёки сунъий» қиймат муросага келтирувчи тимсол бўлиб кўринади. Бундай қиймат айирбошлашда вужудга келади. У товарнинг ижтимоий бойлик таркибига бемалол кириб боришини билдиради.

П.Прудон даромад тўғрисидаги  
назарияни сиёсий иқтисодда  
даромаднинг асосий манбаи деб қабул  
қилинган меҳнат, капитал ва ернинг  
мазмунини кўриб чиқишдан бошлайди.  
Унинг фикрича, ишлаб чиқариш  
жараёнининг ўзи ҳар уччала  
элементнинг ишга тушурилиши  
натijasида юз беради.

П. Прудон ижтимоий масалаларни ҳал қилиши зарур бўлган капитализмни ислоҳ қилиш лойиҳаларини ўзининг кўпгина асарларида эълон қилади. Ушбу асарларда ижтимоий адолат концепциясини асослаш билан бирга инқилобий чиқишлар ҳақидаги ҳар қандай фикрни инкор этади.

Прудон капитализмни ислоҳ қилиш лойиҳасида майда товар ишлаб чиқарувчининг ўз моли сотилишига кафолат олиш, майда дўкондорнинг фоизсиз кредитнинг олиш тўғрисидаги асрий орзусини, буржуа зиёлисининг капитализм шароитида мутлақ меҳнат эркинлиги, қиймат қонуни асосида тенглик имконияти тўғрисидаги хомхаёлларини ифодалаган эди.



## 7. К.Родбертуснинг иқтисодий ғоялари

Карл Иоганн Родбертус-Ягесов (1805-1875) Германияда, Шимолий Грейфсволдда 1805 йилда туғилди. Геттингем ва Берлин университетларида ҳуқуқдан таҳсил олиб, шу мутахассислик бўйича маълум вақт ишлади. Буржуа демократик революцияси йилларида парламент аъзоси, кейинчалик министр лавозимларида фаолият кўрсатди.

- К.Родбертус Германия майда буржуа иқтисодий таълимоти вакили бўлиб, Сен-Симон ва социалист-рикардочилар ғоялари таъсирида эди.
- 1842 йилда К.Родбертус «**Давлат-хўжалик тизимимизни билиш йўлида**» деб номланган китобини нашрдан чиқарди.

К.Родбертуснинг иқтисодий ғоялари юқорида қайд этилган асосий асаридан ташқари, катта томни ташкил этган тўртта «**ИЖТИМОЙ хати**»да баён этилгандир. Унда у қийматнинг меҳнат назариясини содда кўринишда таҳлил қилди. Қиймат ижтимоий зарурий меҳнат билан аниқланмасдан, балки барча меҳнат харажатлари билан аниқланиб, бу ўринда бир хил меҳнат харажатлари ҳар қандай ишлаб чиқаришдан қатъи назар бир хил қиймат ҳосил қилади деб кўрсатилади.

- Бундан ташқари, меҳнат доимо қиймат вужудга келтириши алоҳида таъкидланади.
- К.Родбертуснинг фикрича, меҳнат қиймат ўлчови сифатида олтин ва кумушдан юқори туради, чунки у иш кунини ўзгармас ўлчов деб ҳисоблайди.



К.Родбертус ўзининг тақсимот назариясида классик мактаб вакиллари йўл қўйган хатоларни такрорлайди. Тақсимот назарияси қуйидаги тартибда таҳлил қилинади ва уч босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқичда К.Родбертус ижтимоий (миллий) маҳсулотни иш ҳақи ва рентага бўлинишини кўриб чиқади.

- Иккинчи босқичда у рентани капитал ва ер рентасига бўлишга ўтади.
- Ва ниҳоят, учинчи босқичда К.Родбертус барча фойда ва ер рентасининг капиталист ва ер эгалари ўртасидаги тақсимотини кўриб чиқади.
- К.Родбертус ижодий фаолиятининг сўнгги йиллари қийматнинг меҳнат назариясидан узоқлашиб майда ишлаб чиқарувчилар манфаатларига мос тушувчи жамиятни қайта қуриш лойиҳаларини эълон қилиш билан боғлиқ бўлади.